

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 25 сентябрь. Чоршанба №81 (943) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН — ЯНГИ ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИАТЛАР АСОСИ

Юртимизда узоқ йиллар мобайнида маҳалла орқали ижтимоий фикрни ўрганиш, жамоатчиликни бирлаштиришнинг ўзига хос усули шаклланиб, у миллий ўзликни, халқимизнинг маънавий қадриятларини сақлаш ва бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда диёримизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш

борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу янгиланишлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг ўзвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг ўрни тобора ошиб бораёттир. Айниқса, унинг аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини ўрнатиш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

> [2]

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

НОЁБ ТАЖРИБА ИСЛОХОТЛАРНИНГ ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни юртимизда амалга ошириладиган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ҳақида хабардор этиш кучли фуқаролик жамияти куришининг муҳим шартларидан саналади.

Бунда фуқаролар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч, эътиборни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бидирланган гоёлар асосида тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ҳамда унинг Самарқанд вилоятида ўтказилган ҳуқуқий экспериментдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида гапириб беришни сураб, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари доктори Худоев МАМАТОВга мурожаат қилдик.

— Худоев Тешаевич, айтинг-чи, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги

тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг фуқаролик жамияти курилишидаги аҳамияти нималардан иборат?

— Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаолигини оширишга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлаш ҳамда ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

> [2]

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

ИНСОНИЙ БУРЧ ВАЗИФАГА АЙЛАНСА...

Юртимизда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва

тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари дастуриламал сифатида ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Хива туманидаги етти ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган «Гулистон» маҳалласида эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборимизда. Бу хайрли ишларни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳомийлар ёрдамидан фойдаланиб, 8 миллион сўмдан ортиқ маблағни ижтимоий ҳимояга муҳ-

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА



ЮКСАЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ҲАР ЖАБҲАДА НАМОЁН

Бугун мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар жамиятимизнинг мўъжаз кўргони — маҳалладан бошланиб, юрт узра қулоч ёзмақда.

Жиззах вилоятида ҳам ана шундай эзгу ниятларни мақсад қилган 300 дан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бораётти.

Тумандаги Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолини ҳар то-

монлама кўлаб-қувватлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Зиёкор» маҳалласида яшовчи Жамила Сатторова ҳам йиғин кўмагини доимо ҳис қилиб келаётганлардан. Бир неча йил илгари кам таъминланган

оилалар ҳисобида турган бу аёл қишлоқ фаоллари ёрдамида ўзини ўнглаб олди: банкдан берилган имтиёзли кредит эвазига чорвачиликни йўлга қўйди. Қорамоллар сонини ўнгага етказиб, шароитини тўқислади. Бунинг натижасида рўзгорига барака кирди, фарзандларининг тўйларини ўтказди.

> [3]

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган қўшма буйруқ асосида Сирдарё вилоятидаги фуқаролар йиғинларида ҳам ҚВП, тез тиббий ёрдам ва тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитилиши йўлга қўйилган.

> [2]

Асосий эътибор «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида аҳоли ўртасида кенг камровли тарғибот ишлари олиб боришга қаратилмоқда. «Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари», «Никоҳ ва саломатлик», «Онда тиббий маданият», «Гийҳванд моддаларнинг тугилажак болага салбий таъсирлари», «Репродуктив саломатлик нима?» мавзуларида тушунтириш ишлари, учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлол йилларида ёшларни маънан ва жисмонан баркамол инсон этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида таълим бериш борасида улкан ютуқларга эришилди.

Хусусан, таълим тизимида амалга оширилётган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, шу билан бирга, ота-оналар, жамоатчилик, ҳатто хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда.

Буларнинг борасида истиқлолнинг ilk йиллариданоқ Президентимиз раҳномалигида соҳани ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, улкан ғамхўрлик шарофати.

Айниқса, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги доирасида амалга оширилётган ишлар бу жабҳадаги ютуқларнинг муҳим омил бўлмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлими томонидан таълим муассасалари ўқувчиларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини кўлаб-қувватлаш борасида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда вилоятдаги 83800 нафар ўқувчи бепул дарсликлар билан таъминланди. Урта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фондлари 343 номдаги 87 минг 337 та турли ўқув кўланмалари билан бойитилди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичида таълим олаётган ногирон ва боқувчисидан айрилган талабалардан 7 нафарининг 14 миллион 500 минг сўмлик ўқув-шартнома пули тўлаб берилди.

Ёзи таътил мавсумида 13 та болалар соғломлаштириш ороғхоналарида 11 минг 200 нафар ўғил-қизнинг имтиёзли равишда дам олиши ва саломатлигини тиклашини ташкил этишда ҳамкор ташкилотларга кўмаклашилди.

2013 йилнинг 9 ойи давомида вилоятда 4560 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда таълимда юқори натижаларни кўлга киритган ўқувчи ва талаба учун республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. Шу билан бирга «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида вилоятда ҳозирга қадар 57 та болалар майдончаси қайта таъмирланди ва 59 та спорт майдончаси ҳомийлар томонидан курилиб, фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, келажакимиз эгалари бўлган ёшларни маънан ва жисмонан баркамол инсон этиб тарбиялаш борасидаги ишларда фондининг Тошкент вилояти бўлими ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ҳожимурод ЭРМАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

Яраштирувчилар борган хонадонда

бирор муаммо ечимсиз қолмаган

Яқинда тўй қилиб, барчанинг ҳавасини келтирган оилалардан бирида муаммо чиқди. Мажаранинг сабаби, келиннинг яшаш жойида доимий рўйхатга қўйилмаётгани экан.

Ҳомилдор қизи кунда-кунора 4 км. узоқликдаги врачлик пункти, яъни ўзи туғилиб ўсган маҳалласига бориб, текширувдан ўтишга мажбур бўлаётгани ота-онани ташвишга солади. Улар қудаларнинг бу хатти-ҳаракатидан ранжиди.

Қарши шаҳридаги «Каманди» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлаётган бу воқеа маҳалла фаолларини, айниқса, Яраштириш комиссияси аъзоларининг эътиборидан четда қолмади. Маида гаплар катталашиб, жанжалда сабаб бўлиши мумкинлигини англаган тажрибали нурунийлар масалани ўрганишга киришди. Қайнона-қайнона билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, масалани ижобий ҳал қилишди. Бу орада комиссиянинг тибиб-тинчмас аъзоси Баим ая келиннинг ота-онаси билан ҳам гаплашишга улуғурди.

— Ота-она қиз узатар экан, борган жойида бахтли бўлишини ният қилади, — дейди «Каманди» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурдаги Яраштириш комиссияси аъзоси Баим Қиличева. — Қайнона-қайнона ҳам келинни янги жойга қўниқчи, оилага мослашини учун шароит яратиб бериши керак. Келинни рўйхатга киритмай юриш уни «бегонасан» дейиш билан баробар. Шундай хатога йўл қўяётган оилалар билан алоҳида ишляяпмиз.

> [4]

Саъдулла ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти Хива туманидаги
«Гулистон» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси,
«Фидокорона хизматлари учун»
ордени соҳиби.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН — ЯНГИ ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИАТЛАР АСОСИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатларни амалга ошириш учун мустақкам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни маҳаллалар фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Янги таҳрирдаги қонун аввалгисидан ҳажми ва таркиби жиҳатидан катта фарқ қилади. Қонунга нафақат 4 та янги модда киритилди, балки унинг деярли барча моддалари мазмунан бойитилди ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият йўналишидаги ваколатлари аниқлаштирилди. Шунингдек, қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона тартибини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тартибнинг жорий этилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона ме-

ханизмини таъминлайди ҳамда амалдаги бир қатор қонун ҳужжатлари меъёрларига мос келади.

Қонунга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ноқор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан, уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва волега етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган қонун билан белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона тартибини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тартибнинг жорий этилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона ме-

ханизмини таъминлайди ҳамда амалдаги бир қатор қонун ҳужжатлари меъёрларига мос келади.

Қонунга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилади. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторингини олиб бориш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, муаммоларни комплекс ўрганиш, тизимли ҳал қилиш юзасидан аниқ тақлиф ва механизмларни ишлаб чиқариш.

Шунингдек, ушбу кенгашлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар ижросини назорат қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига таалуқли масалалар бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотларини эшитиш, турли хил семинар, давра суҳбати ва ўқув машғулотларини ташкил этиш билан ҳам шугullanadi.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонунда белгиланган ваколатлар маҳаллалар фаолиятини янги бошқариш кўришига, унинг фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги маърифатни юксалтиришга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

Баҳодир ЮНУСОВ,
«Маҳалла зисёси»
республика ўқув-услубий
маркази директори.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

НОЁБ ТАЖРИБА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

< [1]

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида синодан ўтказилмоқда. Мазкур тажрибада давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам иштирок этапти.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очилган таъминлаш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарт. Шундай экан, мазкур гоя шу пайтга қадар ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилаётган қатор ҳуқуқий меъёрларни қайси жиҳатлари билан тўлдирди ва такомиллаштириди?

— Фуқароларнинг ахборот олиш эркинлиги уларнинг конститутивий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, мамлакатимизда уларни кафолатловчи бир қанча қонунлар мавжуд. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонулар шулар жумласидандир. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилганлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчиликни хабардор қилишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари белгиланган.

Бундан ташқари, лойиҳада аҳоли, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат органлари томонидан қабул қилинаётган тўғри ва ошқора ахборотдан самарали тарзда фойдаланишларига доир бир қанча меъёрлар мавжуд.

— Ҳуқуқий эксперимент субъектлари қонун лойиҳаси ижросини таъминлашда қандай тартибларга риоя этиши лозим?

— Қонун лойиҳасининг 9-моддасига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган хоналарда ва жойларда жойлаштириш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилганлигини таъминловчи усуллардан бири ҳисобланади. Шу нуктага назардан, ҳар бир ҳуқуқий эксперимент субъекти ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни мазкур субъект эгалаб турган хоналарда ёки шу мақсадлар учун ажратилган бошқа объектларда жойлаштириши лозим. Фаолият тўғрисидаги ахборотлар стендлар ёки шу каби бошқа техник воситалар ёрдамида ташкил қилиниши мумкин.

Қонун лойиҳасининг 12-моддасига кўра, фаолият тўғрисидаги ахборотда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иш тартиби, шу жумладан, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатиш тартиблари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тўғрисидаги бошқа ахборотлар кўрсатилиши лозим.

— Эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондларига тақдим этиш тартиблари қандай?

— Кейинги пайтда вилоятдаги кўпгина ҳуқуқий эксперимент субъектлари томо-

нидан қонун лойиҳасида белгиланган мазкур вазифани умуман ёки муддатда бажарилмай қолаётгани кўрилади. Уни тартибга солиш мақсадида вилоят ҳокимияти махсус қарори қабул қилинди. Эндиликда вилоятдаги барча ҳуқуқий эксперимент субъектлари белгиланган муддатларда маълумотларни архив бошқармаси ва ахборот-кутубхона марказларига саралашни амалга ошириш учун ишчи комиссия тузишлари, сараланган маълумотларни биринчи ва иккинчи чорак якуналари бўйича 2013 йил 15 июлгача, учинчи чорак якуналари бўйича жорий йилнинг 15 октябрга ахборот-кутубхона марказига тақдим этишлари зарур.

— Эксперимент ўтказиш субъектларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтга жойлаштириш ва янгилас тартиби ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳуқуқий эксперимент субъектлари веб-сайтлари уларнинг расмий электрон нашрларида. Вилоят ҳокимияти мазкур муносабатларни тартибга солиш учун қарори талабларига кўра, ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан веб-сайтда жойлаштирилган асосий ахборотдан фойдаланиш эркин ва бепоул бўлиши керак.

Веб-сайтда жойлаштирилган ахборотга сана қўйилиши ва мунтазам янгиланиши шарт. Бу муддат субъект томонидан белгилаб, ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги лозим.

— Эксперимент ўтказиладиган субъектларнинг жисмоний ва юридик шахслар, оммавий ахборот воситалари сўровлари асосида оғзаки ва ёзма шаклда ахборот тақдим этиш тартиби қандай бўлади?

— Амалиётда кўпгина «субъектлар» томонидан фаолият юзасидан сўров билан фуқароларнинг «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун асосида берилган ариза, тақлиф, шикоятлари ижрога олмастик ҳолатлари ҳамон давом этмоқда.

Уларнинг асосий фарқи шундаки, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови бевосита «субъект»нинг иш фаолияти юзасидан маълумот олиши билан боғлиқ.

Қонун лойиҳасининг 15-моддасига кўра, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови, агар бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган бўлса, рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

— Вилоят ҳокимияти қарори билан тақдим қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш регламенти» талабларига кўра, «субъектлар» ваколатли мансабдор шахснинг чиқиши ва баёноти ҳамда улар томонидан ўтказилмаган матбуот анжуманлари ва брифинглар тўғрисидаги маълумотлар тегишли тадбир ўтказиладиган санадан камида 1 кун аввал оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилиниши шарт.

Оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказиладиган тадбирларда журналистни тадбирга оид барча зарур маълумотлар ва махсус пресс-релиз билан таъминлаш, маалаки мутахассисларни интервью беришга тайёрлаш, уларнинг кийиниш ва нутқ маданиятига риоя қилишларида муҳбирга кўмаклашиш, унинг тадбирга оид қўшимча саволларига батафсил, ҳолис ва асосланган жавоблар бериш, телеоператор ва радиореPORTЕРНИНГ телевидение ва радионинг техник талабларига мувофиқ ишлашлари учун етарли шартнони ярати бериши лозим.

— Ҳуқуқий эксперимент субъектлари, яъни бошқарма ва муассасалар ўз фаолияти юзасидан барча маълумотларни ошқор қилиш ҳуқуқига эгами?

— Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра, давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Ахборотларни махфийлаштириш, улар билан танишиш учун ижозат бериш тартибини ҳамда шу билан боғлиқ чекловларни, шунингдек, давлат сирларидан фойдаланиш тартибини ўзида мужассам этувчи давлат сирларини сақлаш тизимини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Қонун лойиҳасининг 4-моддасида Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олиш, агар кўрсатилган ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирини ёки қонун билан ҳимояланмаган бошқа сирдан иборат маълумотларга киритилган бўлган ҳолларда чекланиши белгиланган.

— Ушбу қонун лойиҳасига кўра ахборотдан фойдаланувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

— Қонун лойиҳасининг 5-моддасига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

Агар сўров давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаса, у ҳолда сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб уч кун давомида фойдаланувчига тегишли жавоб юрилади.

— Эксперимент ўтказиш субъектлари (бошқарма, корхона, ташкилот, муассаса ва ҳоказо) ўтказиши режалаштирилаётган тадбирлар, брифинглар, анжуманлар ҳақида жамоатчиликни қандай тартибда ва қачон огоҳлантириши лозим.

Томижон НИЗОМОВ
сўзлатлади.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йўлида



ЎЗА сурати.

< [1]

Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоятдаги 149 та ҚВПдан 96 таси янги қўрилиш ва 53 таси реконструкция қилиш йўли билан ишга туширилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш бўйича Дастурга асосан 13 та тиббиёт муассасасида таъмирлаш ишлари маҳаллий бюджет ҳамда ҳолийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Жорий йилнинг уттан даврида вилоятдаги 352 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҚВП ҳамда оилавий поликлиникаларнинг ҳисоботлари эшитилди. Ҳисобот даврида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга тақлифлар берилди. Қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ҳисоботларини таҳлил этиш жараёнида асосан дори-дармон захираларининг етишмаслиги, тез тиббий ёрдам машиналарининг ёниги билан таъминлаш масаласидаги муаммолар аниқланиб, улар зудлик билан бартараф этилди.

Эшитилган ҳисоботлар самараси ўлароқ, қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти сезиларли равиш-

да яхшиланди. Натигада Марказий поликлиникаларга мурожаат этувчилар ҳамда стационарларга даволашни учун йўланмаларга талабдорлар сонини кескин камайдди. Ичимлик суви, иссиқлик, қўшимча дори-дармонлар таъминоти каби масалалар ўз ечимини топди.

Қувонарлиси, жорий йилда вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 250 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда ҚВПлар тўлиқ алоқа воситалари билан таъминланди. Вилоятдаги 28 та ҚВПда ижтимоий дорихона шохобчалари очилиб, дори-дармон ва керакли реактивлар учун қўшимча маблағлар ажратилди.

Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси аҳоли саломатлигини сақлаш, «Соғлом она — соғлом бола» йўналишидаги дастурлар ижросини таъминлашга хизмат қилаётган. Бунинг натижасида вилоятда бола-лар ўлими сонининг кескин камайишига, аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинишига эришилмоқда.

Тошпулат ХАЙИТБОВ
«Mahalla»

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ИШГА МУҲАББАТ ВА ИШОНЧ БЎЛСА БАС — МАРРА СИЗНИКИ

Фаолиятим жараёнида доимо маҳалламиз улугларидан маслаҳат олам. Ўзим учун кашф этган ҳақиқатим эса шундай: «Аҳоли хизматини қилмоқчи бўлсанг, аввало, кишиларнинг қалбига қулоқ сол. Улугларнинг фикрларини қувватла».

Избоскан тумани Шермағооб қишлоғидаги «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 минг нафардан ортиқ аҳоли истифодат қилади. Уларнинг осойишталиги, маҳалламизнинг тинчлигини таъминлаш зиммасига масъулият юклайди.

Маҳалла — она-Ватан остонаси. Уни ҳимоялаш эса, юрт тинчлигини сақлаш, одамлар хотиржамлигини асраш билан баробар. Шу сабабдан бугун кимнинг йўлида қандай муаммо, қандай воқеа содир бўлаётганидан хабардор бўлишга, ҳудудимизга ким келиб, ким кетаятиганига эътибор қаратишга интилаамиз. Қанча фуқаро хорижга ишлаш учун чиқиб кетди, қанчаси қайтди, тиббий қуриқдан ўтиш жараёни қандай ўтмоқда? Бу каби саволларга жавоб топиш учун аниқ маълумотлар асосида шакланган рўйхатни янгилаб тураамиз. Унда ҳар бир оиланинг бугунги аҳволи кафтдек намён.

Фаолиятимизни соҳага оид қонун ҳужжатлари, «Маҳалла» хайрия жомат фонднинг услубий ва амалий кўмаги, «Маҳалла посбони» жомат тузилмалари фаолияти бўйича низом асосида йўлга қўйганмиз. Қолаверса, тобора кенгайётган ваколатимиз доираси, ҳуқуқ ва бурчларимиз орқали ҳудуддаги осойишталиқни сақлашга интиламиз. Жумладан, тузила фаолияти тўғрисидаги услубий қўлланмада сардор профилактика инспектори билан қай тарзда

ҳамкорлик қилиши, нима-ларга эътибор қаратиши аниқ баён этилган. Қўлланмада «Маҳалла посбонлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриди. Ҳудудда кечая кундуз улуксиз жомат тартибини таъминлайди. Жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, улар билан белгиланган тартибда профилактик-огоҳлантирув ишларини олиб боради», деб кўрсатилган. Биз ҳам ушбу талабларни изчиллик билан адо этиб, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳамкорлар билан доимий алоқаларни мустақкамламоқдамиз.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, маҳал-

ла мутасаддиси, айниқса, посбонларнинг дунёқарши кенг бўлиши керак. Чунки ҳудудда турли касб, турфа фикри инсонлар яшайди. Уларнинг ҳар бири билан кўнглидагидек суҳбатлашиш, тушуниш учун эса фикру ўйлари, кундалик машғулотларидан хабардор бўлиш зарур. Маҳалладаги ҳар бир фуқаро билан самимий мулоқотга киришиш учун янгиликларни доимо кузатиб бораман.

Қўпнинг маслаҳатига амал қилиш, ишониб топширилган вазифани мажбурий юзасидан эмас, сидқидилдан бажариш — муваффақиятларнинг қалти. Ишга бўлган муҳаббат билан одамларда ўзингизга нисбатан ишонч ўйотсангиз — марра сизники. Ишонч эса хотиржамликнинг пойдеворидир.

Бахтиёр ҚИРГИЗОВ,
Андижон вилояти
Избоскан тумани
«Гузар» маҳалла
фуқаролар йиғинининг
«Маҳалла посбони»
жоматчилик тузилмаси
сардори.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

РАҒБАТ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР ТУҲФА ЭТАДИ



ЎЗА СУРАТИ.

Мамлакатимизда аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасини ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай рағбат эса, самарали натижаларни туҳфа этаётир.

Бутун иқтисодиётимизнинг қай бир тармоғини қузатманг, албатта, яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, гайрат билан меҳнат қилаётган, орзу-мақсади йўлида салоҳияти ва куч-қувватини сафарбар этиб, Ватанимиз раванқига ҳисса қўшаётган кишилар кўпайиб учрайди. Зотан, ҳар бир инсон жамиятда муносиб ўрин топиб, оиласи тўқислигини таъминлашни, ҳаётдан мамнун яшашни истайдиган кишиларнинг фаровон ҳаёт кечирishi, оқилоланиш тарзини яратишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Оқдарё тумани Даҳбет шаҳарчасидаги Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шу боис аҳолининг бандлик даражаси йилдан-йилга ошиб, турмуши фаровонлашиб бормоқда.

— Ҳудудимиз аҳолиси 3000 нафардан зиёд, — дейди Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Узоқов. — Улардан 1419 нафари фаол меҳнат ёшида бўлиб, доимий иш ўрнига эга. Айни пайтда 22 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ҳамда 5 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси маҳалладошлар хизматида. Муҳими, улар бандликни таъминлашга ҳам кўмаклашапти. Қолаверса, ҳудудда 2 та сут маҳсулотини қайта ишлаш цехининг тўхтовсиз ишлаши 15 нафардан зиёд хотин-қизни фойдали меҳнатга жалб этиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сидаги қарори ижроси юзасидан Оқдарё туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда йиғин мутасаддилари ҳамкорлигида маҳалланинг вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолиси, айниқса, уй бекларини доимий иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

— Маҳалла фуқаролар йиғини кўмағида қулай иш топдим, — дейди Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Фотима Мамедова. — Фарзандли бўлгач, уйда улар тарбияси билан шугулланишга тўғри келди. Болалар улғайгач, иш масаласида фаолларга қаратилаётган эътибор ва рағбатдан руҳланиб, менда ҳам худди шундай кичик цех ташкил қилиш истаги турган. Ҳозирда иш ўрганиш баробарида бизнес режа тузмокдаман. Мақсадларимнинг тезда амалга ошишига ишончим комил.

Таъкидлаш жоизки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Оқдарё тумани бўлинимасининг маҳаллий ҳокимлик ҳамда мутасадди идоралар, фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида мунтазам ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркаларида ҳам юзлаб хотин-қиз, касб-хунар коллежани битирган ёшлар уларига муносиб иш топмоқда. Зеро, ҳалқимизнинг ҳаёт тарзини янада фаровонлаштириш ва юксалтиришда бандликни таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Забинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

МАҲАЛЛА: БУТУН ВА ЭРТАГА

ЮКСАЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ҲАР ЖАБҲАДА НАМОЁН

< [1]

«Зиёкор»да бундай ишбилармонлар жуда кўп. Фуқаролар йиғини фаолари томонидан эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, ҳар жиҳатдан кўмак бериш тизими амалга оширилаётгани туфайли бутунга келиб ҳудуддаги мингга яқин оиланинг бор-йўғи еттигасигина моддий ёрдамга муҳтож.

Йигирма минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг чеки йўқ. Яқинда йиғин марказида янги тўйхона қурилди. Унинг тантанали очилиш маросими саховат тадбирларига улашиб кетди. 14 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг хатна тўйи ҳомилар кўмағида ўтказиб берилди. Болакайларнинг ҳар бирига банкда омонат дафтарчаси очилгани эса халқимизнинг мурувватчилиги, маҳаллалардаги аҳил-иноқлик, бой маънавий мерос мевасидир.

Бир пайтлар тор, чанг ва тупроқ йўллاردан иборат бўлган бу кўчаларда бахт ва шодлик кўйичи Ҳамид Олимжон ҳамда атоқли адиб, давлат арбоби Шароф Рашидовнинг болалик йиллари ўтган. Бутун эса замон ўзгариб, инсон қадр-қиммати тобора юк-



салиб, бунёдкорлик ва ободлик акс этаётган кўчада Ҳамид Олимжон уй музейи ҳам ташкил қилинди.

— Ёш авлоднинг халқимиз бой тарихини ўрганишга бўлган иштиёқи баланд, — дейди Ҳамид Олимжон уй музейи бўлим мудир, «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурдаги Маърифат ва маънавийт масалалари бўйича комиссия аъзоси Қўйсиний Зиёева. — Уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида бу каби маънавийт масканлари алоҳида

аҳамият касб этади. Маҳалла болаларининг ажодларга муносиб ворис бўлишга интилаётганлари уларнинг ҳаракатидан, эришяётган ютуқларидан ҳам маълум. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари Шоҳида Муминова, Маъмура Ёқубова, Бахтижон Исроилова, спортнинг қаратэ тури бўйича Ўзбекистон чемпионлари Шаҳло Ҳошимова, Дирёбек Азимов маҳалланинг ифтихорлари.

Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замо-

навий турар-жойлар мустақил юртимиз чин маънода бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш майдони айланганидан гувоҳлик беради. Бу муҳташам иморатлар қишлоқларимиз кўркіга кўрк, чиройинга чирой қўшиб, барча қулайликлари билан хонадон соҳиб ва соҳибаларига манзур бўлмоқда. Биргина Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган йили 30 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ноёб, қадимий тузилма

ҳисобланмиш маҳалланинг бутунги ва эртанги қиёфаси кўча ёки ҳудуд номи ёзилган кичкина лавҳада акс этиб тургандек. «Зиёкор», «Истиқдол», «Долзор», «Сангзор», «Бахт», «Зилол», «Ниҳол»... ҳар бир ном узига хос тарихга, хусусиятга, маъно ва мазмунга эга.

— Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тубдан ўзгариб, кўплаб ваколатларга эга бўлди, — дейди Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одил Қудратов. — Жой номларини қайта тиклаш ва ўзгартириш масаласи ҳам шулар жумласидан. Меҳнати қадрланаётган, фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганидан қувонган зиёкорликлар маҳалланинг эртанги кунини янада нурафшон этиш учун ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Чиндан-да, бутун ҳар бир юртдошимизнинг ҳаракати ва интилишларида Ватанимизни обод қилиш, оқилоланиш ва фаровон гушага айлантириш иштиёқини кўрашди. Элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган халқимиз меҳнати шарофати ила мамлакатимиз кўзини қувонтирадиган обод масканга айланиб бораверади.

Сайёра БҮРОНОВА.

ЛОЙИҲА

Томорқадан — оилавий бизнесга



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти Ўзур туманидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси Ўтган йили Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти танловида «Оила томорқасидан — оилавий бизнесга» лойиҳаси билан иштирок этиб, голибликни қўлга киритган эди.

Лойиҳа доирасида туманининг «Янгиқент» ва «Гармистон» маҳалла фуқаролар йиғинларидан кам даромадли 40 та

хонадон танлаб олинди, улар учун машғулотлар ташкил этилди. Унда иштирокчиларга деҳқончиликнинг сир-асорлари

мутахассислар томонидан батафсил ўргатилиб, зарур қўлланмалар тарқатилди.

— Асосий мақсадимиз — аҳолининг деҳқончиликка қизиқишини янада кучайтириш, уларнинг бу борадаги тажрибаларини ошириш, томорқадан унумли фойдаланишга ўргатишдан иборат, — дейди лойиҳа раҳбари, туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Зулхумор Жабборовна. — Бу борада ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларга бепул уруғлар тарқатдик.

«Янгиқент» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Асолат Қўлмуродованинг айтишича, лойиҳа асосида ажратилган помидор, бодринг кўчатларини экиб, ҳар бир хонадон икки миллион сўмдан соф фойда олаётган экан. Қолаверса, аҳолининг кўпчилиги кечки нав помидоридан ҳам катта даромад қилиш ниятида.

Бу каби лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

С.БОЙМУРОВА
«Mahalla»

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Уйингизни ижарага бермоқчимисиз?

САВОЛ:

— Мен ўзимга тегишли квартирани ижарага бермоқчиман. Буни қонуний асосда амалга ошириш учун нима қилишни керак? Турар-жой аренда (ижара) шартномасини расмийлаштиришда қандай талаблар мавжуд? Кейинчалик шартномага ўзгартириш киритиш мумкинми? Илтимос, шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Санъат ИКРОМОВ.
Тошкент шаҳар Ҳазма тумани.

ЖАВОБ:

— Турар-жой фуқаролар ва юридик шахсларга эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун аренда (ижара) шартномаси асосида берилади. Юридик шахс турар-жойдан фақат фуқаролар яшаш учун фойдаланиши мумкин.

Турар-жой аренда шартномаси ёзма шаклда тузилади. У қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинини (руйхатдан ўтказилиши) лозим. Фуқаролар ўртасида тузилган турар-жой аренда шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Арендага берувчи турар-жойни арендага олувчига яшаш учун яроқли ҳолатда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 9-моддасига биноан, турар-жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ҳолатда ижарага бериши шарт.

Аренда ҳақини тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари турар-жой аренда шартномасида белгилаб қўйилади. Аренда ҳақининг миқдори тарафларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли кўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилиши ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб қилинадиган бир қанча омиллар мавжуд. Аввало, кўчмас мулкни ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши зарур. «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлиминининг маълумотномаси ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат руйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома ҳам, албат-

та, илова қилиниши шарт. Ижарага берилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий руйхатда турувчи шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтаридан кўчирма олган ҳолда доимий руйхатда олинган шахсларнинг розилиги ҳам акс этиши даркор.

Кўчмас мулк умумий, яъни биргаликдаги мулк бўлса, барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги ҳам инobatта олинади. Васийликдаги шахсга қарашли кўчмас мулк бир йилдан ортқ муддатта ижарага берилганда, васийлик ва ҳомилик органларининг розилиги зарур бўлади.

Хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги ҳам ҳужжатлар орасидан жой олиши даркор.

Турар-жой аренда шартномаси, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига буйича ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома шартлари бир тарафнинг айби билан бузилганда, шунингдек, шартномада ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда турар-жой аренда шартномаси иккинчи тарафнинг талабига биноан суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Маҳсума ОРТИҚОВА,
Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.



Ҳурматли тадбиркорлар! «Асака» банк (ОАЖ)

«Export Import Bank of Korea» (Корея) ва «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа
Қарздор	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шугулланаётган ёки корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган корея капитали иштирок этмаган компаниялар. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: — ускуналар хорид қилиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — ускуналар хорид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.



Маълумот учун телефонлар:
8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустахкам таяғичи!

Хизматлар лицензияланган.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

ЯРАШТИРУВЧИЛАР БОРГАН ХОНАДОНДА

бирор муаммо ечимсиз қолмаган



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

даги Яраштириш комиссияси фаолиятида ҳам ибратли ишларни кузатиш...

даги Яраштириш комиссияси фаолиятида ҳам ибратли ишларни кузатиш...

ГУВАРДАГИ ГУРУНГЛАР

ПАЙКАЛДАГИ ЎФРИЛИК

Ёзнинг айни жазирама кунлари эди. Пешин чоғи уч-тўрт бола чўмилгани қишлоқ адоғидаги зовурга бордик...

Табийки, бундай паллада хийла узокроқ қишлоққа қайтиб тамадди қилишга эринадди киши...



Савдо марказига хужум

Кения пойтахти Найробидаги «Westgate» савдо марказига хужум уюштирилди.



Мазкур хужумни Сомалининг «Аш-Шабаб» исломий ғуруҳи ўз зиммасига олди.

Худкушлар хуружи

Покистоннинг Пешовар шаҳри яқинидаги черков ташқарисида амалга оширилган худкушлик хужуми оқибатида 60 нафардан зиёд киши ҳалок бўлди.



Хўкм ўқилди

Чунтин шаҳри собиқ раҳбари Бо Силай умрбод қамоқ жазосига хўкм қилинди.



Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 1 октябрь, сешанба куни чоп этилади.

СПОРТ

Нафисанинг навбатдаги галабаси



Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида хотин-қизлар ўртасида давом этган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқичида ёш гроссмейстеримиз Нафиса Мўминова иккинчи галабасини нишонлади.

Бешинчи турда хитойлик Ц.Венцзюнь билан оқ донларда уйнаган ҳамюртимиз 35-юришдан сўнг галабани ўз томонига оғдириб...

Шахмат

Полвоннинг бронза медали

Венгриянинг Будапешт шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон чемпиони яқунланди.

Дунёнинг кўлаб мамлакатларидан етти юзга яқин энг сара полвонлар иштирок этган жаҳон чемпионатининг юнон-рум кураши бешашуварида ҳамюртимиз Элмурод Тасмуродов бронза медалга сазовор бўлди.

Кураш

Сизни қизиқтирган савол

Меросхўрнинг ҳовлидаги улуши қанча?

Савол: Ота-онам ўзларига тегишли ҳовли-жойни бизга васият қилиб қолдирмоқчи. Ҳовлининг қанча қисми меросхўрга тегишли экани васиятномада кўрсатиладими?

Н.ЎРИНОВ. Қибрай тумани. ШАХСА, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

«Mahalla» ҳар бир хонадонга! Ҳурматли юртдошлар! Жорий йилнинг 20 сентябридан 31 декабрга қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга! акцияси ўтказилди.